



Theoretical basis of sociological research of an informed society

Maftunakhon SAIDOVA¹

National university of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2021
Received in revised form
28 April 2022
Accepted 20 May 2022
Available online
10 June 2022

Keywords:

society,
information,
ideology,
spirituality,
global,
mass,
internet,
network.

ABSTRACT

Nowadays we live as an active member of an information society and an information consumer. In an informed society, information is important with fast and quality delivery to information consumers. At the moment the seconds are sufficient for us to accept and distribute data with the help of a global network. However, we can say that the power of psychological and ideological influence, the interest of humanity, the anxiety, the need to seriously think about changes in the human psyche and lifestyle is one of the problems in the media today.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss5/S-pp104-109>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ахборотлашган жамиятни социал тадқиқ этишнинг назарий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жамият,
ахборот,
мафкура,
маънавият,
глобал,
оммавий,
интернет,
тармоқ.

Айни вақтда ахборотлашган жамиятнинг фаол аъзоси ва ахборот истеъмолчиси сифатида яшамоқдамиз. Ахборотлашган жамиятда маълумотлар ахборот истеъмолчиларига тез ва сифатли етказиб берилиши билан аҳамиятлидир. Ҳозирги даврда глобал тармоқ ёрдамида маълумотларни қабул қилишимиз ва тарқатишимиз учун сонияларнинг ўзи кифоя қияпти. Шу билан бир қаторда, оммавий ахборот воситаларининг бугунги мавқеи, психологик ва мафкуравий таъсир кучи, инсониятни қизиқтираётган, ташвишга солаётган, инсон руҳияти ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар ҳақида жиддий ўйлашга мажбур қилаётган муаммолардан бири, десак адашмаган бўламиз.

¹ Teacher, chair of social work, National university of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan. E-mail: m_saidova@nuuz.uz.

Теоретические основы социологического исследования информированного общества

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

общество,
информация,
идеология,
духовность,
глобальный,
массовый,
интернет,
сеть.

В то же время мы живем как активные члены информационного общества и потребители информации. В информированном обществе информация важна для быстрой и качественной доставки сведений потребителям. В настоящее время мы можем получать и распространять информацию с помощью глобальной сети за считанные секунды. Помимо этого, мы не ошибемся, если скажем, что нынешнее положение средств массовой информации, сила психологического и идеологического воздействия является одной из проблем, которая интересует и волнует человечество и заставляет всерьез задуматься об изменениях в психике и образе жизни человека.

КИРИШ

Умримизнинг бирор кунини ахборотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу шахслараро мулоқот алмашинувидан ташқари, компьютерлар ва ахборот тизимлари, маҳаллий ва глобал тармоқлар интернетининг умумжаҳон тармоғи, мультимедиа технологиялар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Улар ҳаётимизнинг турли соҳаларига таъсир қилиб, жамиятнинг ривожланишига ижобий таъсир қилмоқда. Натижада, инсоният ахборотлашув соҳасида инқилобий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда.

Шу ўринда ахборотларнинг салбий, мафкуравий, психологик таъсир кучини ҳам инкор эта олмаймиз. Бугунги кунда инсон онгига салбий таъсир кўрсатувчи ноанъанавий ахборот – таҳдидларнинг кўпайиб бораётганлиги, айниқса, ёшларнинг турли ғаразли кучлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларининг кузатилаётгани ахборот хавфсизлиги тизимини ривожлантиришда шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларига таяниш, шунингдек, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва таснифлаш ва уларнинг инсон онгига салбий таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш, ҳимоя механизмлари мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли тадқиқотлар олиб боришни тақазо этади. Ахборотлашувнинг салбий оқибатлари ҳақида гап юритилганда, тилга олинган “салбий оқибатлар” ибораси қатъий таъриф-тавсиф эмас, балки таҳлил натижасида юзага келган шунчаки изоҳловчи ном эканини эсда тутиш керак. Масалан, ахборотлашув бир томондан баъзи бир касб-корларни йўққа чиқариб, барҳам берса, иккинчи томондан янги касбларга эҳтиёжларни туғдиради. Шунингдек, компьютерлаштириш рационалликнинг янги тури шаклланишига, хусусан, одамни яна кўпроқ техносфера унсурига айлантиради.

Аммо, шу билан бирга, ҳар бир давлат ахборотлашув соҳасида жаҳон меҳнат тақсимотига кириш ҳамда мустақил ривожланиш масалаларини ўз ичига уйғун ҳолда олган мустақил сиёсатини ишлаб чиқиши зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлмоқда. Ахборотлашаётган жамият белгилари ташқи сиёсат соҳасида, айниқса, яққол намоён бўлмоқда.

“Ҳозир бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар интернет маконига кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти. Афсуски, баъзи ёшларда интернетдан тўғри фойдаланиш кўникма ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар интернетни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар восита деб билишади. Мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар жабҳада, аввало, Ватан манфаатини ўйлаб иш тутиши зарур” [1]. Эркинликка интильганимиз, демократик тамойиллар асосида яшар еканмиз, эркин ахборот олиш имкониятимиз ҳам кенгайиб боради.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

“Ахборот” тушунчасига ўз нуқтаи назаримиздан келиб чиқиб таъриф берадиган бўлсак, ахборот – жамият учун нафақат мулоқот предмети, балки инсонларни бир-бирига боғлайдиган объектив омилдир.

Ахборотлашган жамият тушунчаси 1960 йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, уни Токио технологик университетининг профессори Ю.Хаяши биринчи бўлиб фанга киритган. Муаллифнинг фикрича, моддий маҳсулот эмас, ахборотлашув маҳсулоти жамиятнинг шакллантирувчи ва ривожлантирувчи кучига айланади [2]. Ю.Хаяшининг бундан қарийб ярим аср муқаддам ахборотлашув жараёнига берган таърифи бугунги даврга келиб ўз исботини топди, десак муболаға бўлмайди.

Ахборотлашган жамият ривожига иккинчи босқич Америка жамиятшуноси Д. Беллнинг “Индустриал жамият даврининг келажаги. Ижтимоий башорат қилиш тажрибалари” номидаги китоби нашр этилгандан сўнг (1973 й.) бошланди. Унда муаллиф инсоният жамияти тарихини уч асосий босқичга: аграр, индустриал ва аграр-индустриал даврдан сўнгги даврларга бўлиб чиқади. Олим индустриал даврдан сўнгги даврнинг тарихини индустриал босқичининг таъриф-тафсилига суянган ҳолда чизиб беришга интильган. “Ҳар бир ҳозирги замон жамияти, – деб ёзади Д. Белл, – инновациялар (янгиликлар жорий қилиш) ва ўзгарувлар устидан ижтимоий назорат олиб бориш ҳисобига кун кўрмоқда. У келажакни кўра билиш ва уни режалашга интильмоқда.

Америкалик социолог Д. Беллнинг таъкидлашича, ахборотлашган жамият, аввало, маълумотлилик даражаси ва малакасига кўра, миллат элитасини шакллантирадиган жамият. Тадқиқотчи ахборотни жисмонан истеъмол қилинмайдиган ва эскирмайдиган “жамоавий маҳсулот” сифатида талқин қилиб, индустриал жамиятда инсон ҳаётининг фаолиятидаги мутлақо янги маҳсулот бўлгани учун унга нисбатан ўша даврда муомалада бўлганидан ўзгача меъёр ва мезонларни қўллаш кераклигига эътибор қаратади. Бу йўналишдаги ҳаракат илм-фан, техника ва иқтисодиётнинг ўзига хос уйғунлашуви чоғида тобора кучая боради. Америкалик олим билим ва ахборотни нафақат индустриал даврдан сўнгги даврга ўтишнинг қойилмақом халачўпигина эмас, балки унинг стратегик захираси ҳамдир” [3], деб ҳисоблайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Ахборотлашув соҳасини таҳлил этаётган олимлар, биринчи навбатда, технологик, шунингдек, иқтисодий омилларга эътибор қаратишади. Аммо ахборотлаштириш яна ижтимоий-маданий соҳанинг ривожига ҳам кўмак бериши, модернизациянинг хилма-хил жараёнларини (бозор иқтисодиётига ўтиш, ишлаб

чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муомала-муносабатлар ҳозирги замон талабларига мос келиши, демократик жараёнларни таъминлаши, ҳуқуқий давлат қурилишини рағбатлантириши ва ҳ.к.) қўллаб-қувватлаши ва ниҳоятда одам ва маданият учун фойда келтириши зарур.

Ахборотлашган жамиятда янги билимларни ўзлаштириш усули ҳисоблаш техникасига асосланишини ўрганган Э.Тоффлернинг фикрича, “ахборотлашган жамиятда фан услублари ҳажм жиҳатдан жуда катта бўлган маълумотларни йиғиш имконини беради”. Бунда олимлар янги фактларни қидириш ўрнига корреляция ва тенденцияларни ўргатишда мумкин бўлган илмий маълумотларни ахборот операциялари орқали олади.

Хуллас, ахборотлашган жамиятда ишлаб чиқаришнинг манбаи билимни тўплаш технологиялари, ахборотни қайта ишлаш ва рамзий коммуникацияларга боғлиқ бўлади. МДХ олимларида Л.Хьелл, Д.Зиглер, В.Барцевич, Г.Андреева, В.Андреев, В.Бодров ва В.Вышинский, Т.Ежевская, Г.Грачев, Д.Балуев, А.Крутских, А.Манойло, А.Петренко, Д.Фролов ишларида, асосан, шахс ахборот-психологик хавфсизлигининг назарий-методологик асослари ҳамда таҳдидлар хусусиятлари ва улардан ҳимояланиш механизмлари, турли усул ва воситалар орқали амалга оширилаётган ахборот манипуляциясининг ижтимоий-психологик таъсирини ўрганган.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов [4], М.Ганиева [5], А.Холбеков [6], Т.Матибаев [7], А.Умаров [8], Ш.Содиқова [9], О.Абдуазимов[10]лар ўз тадқиқотларида глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида ёшларга таъсир қилувчи ахборот оқимларини социологик нуқтаи назардан ўрганган бўлса, ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишда миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўрни борасида Ш.Тўраев, А.Ташановлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Замонавий оммавий ахборот-коммуникация воситаларининг инсон онгига таъсири Ш.Қудратхўжаев, интернетдаги таҳдидлардан ҳимояланиш масалалари А.Тулепов, О.Тўраев ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг педагогик асослари Р.Самаров, ахборотлашган жамият ва шахс ахборот маданиятини шакллантириш муаммолари А.Мўминов ва Ш.Рахимова томонидан ўрганилган. Шунингдек, М.Мунавваров У.Убайдуллаев ва А.Юлдашевларнинг илмий ишларида шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тизими ва ундаги муаммоларнинг ижтимоий оқибатлари илмий таҳлил этилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Ахборотлашган жамиятга оид энг қизиқарли ва қиёмига етилган фалсафий концепциялардан бири япон олими И.Масудага тегишлидир. Келажакда шаклланаётган жамият композициясининг асосий тамойиллари бу олимнинг: “Ахборотлашган жамият постиндустриал жамиятнинг вориси сифатида” [11], деб аталган китобида тақдим этилган. Муаллифнинг фикрича, янги жамиятнинг пойдевори бўлиб, компьютер технологияси хизмат қилади. Унинг назарида, бу технологиянинг асосий вазифаси – инсон ақлий меҳнатининг фаоллигини кучайтириш ёки ўрнини босишдир. И.Масуда ахборотлашган жамиятда инсоний қадриятлар ўзгаради, деб тахмин қилади. Унинг фикрича, бу жамият синфларга бўлинмайди ва зиддиятсиз, яъни аҳил, тинч-тотув жамият бўлиб, уни чоғроқ ҳукумат ва давлат аппарати бошқаради. Таниқли инглиз олими Т.Стоуньер

ахборотни худди сармояга ўхшатиб жамғариш ва кейинчалик ишлатиш учун сақлаш ҳам мумкин, деб танлайди. Индустриал даврдан сўнгги даврда миллий ахборотлашиш захиралари бойликнинг энг катта потенциал манбаига айланади. Шу муносабат билан, биринчи навбатда, барча кучларни ишга тушириб, иқтисодиётнинг янги тармоғи – ахборотлашув тармоғини ривожлантириш зарур.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шундай экан, ахборот оқими шиддат билан ривожланаётган замонда илм – фан ютуқлари ва ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш маданиятини шакллантириш устувор вазифа саналади.

Янги Ўзбекистонда ҳам ахборот оқими ошиб бораётгани ахборот алмашинуви жараёнига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Ахборот алмашинувидаги бу миқдор ва сифат ўзгаришлари, табиийки, жамият ҳаётига янгиликлар олиб кирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ахборот алмашинувини тартибга солувчи функцияларга амал қилинаётгани туфайли социумда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Шу ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар ахборот алмашинувининг асосий воситасига айланиб, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишда кенг қўлланилаётган восита бўлиб қолди. Инсонлардаги ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришда анъанавий ахборот воситаларининг имкониятлари тобора қисқариб бормоқда. Масалан, китоб ва газета, журналларга бўлган талаб йилдан йилга камайиб кетаётганлиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, ахборотни чеклаш, ёпиб қўйиш ёки ахборот олишни таъқиқлаш билан муаммо ҳал бўлмайди. Тизимни бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан. // <https://uza.uz/ru/posts>.
2. <https://top-technologies.ru>.
3. Қуронов Д. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 56.
4. Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Дарслик. – Тошкент: Академия, 2020. – Б. 320.
5. Ганиева М. Социальная активность современной узбекистанской молодёжи / East European Scientific Journal. 6(№31), – С. 40–44.
6. Холбеков А. Социология молодёжи. Учебное пособие. – Тошкент: Университет, 2020. – С. 144.
7. Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: “Yangi kitob”, 2016, – Б. 184.
8. Умаров А. Глобаллашув ва ахборот-кутубхона жараёнлари / Kutubxona.uz. илмий-услубий журнал №2 (46) 2020. – Б. 9.

9. Содиқова Ш. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2020. – Б. 160.

10. Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001–2016 йиллардаги материаллари мисолида). соц. ф.д. дисс.автрореф. – Тошкент: 2017. – Б. 63.

11. Маъсуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. – М.: 1991. – С. 172.